201 A | Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019-yil 28-avgust, chorshanba * № 26-27 (1139) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www uzhurriyat.uz

### МЎЙНОҚДА ЯНГИЛАНИШ ШАМОЛИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун шериклик асосидаги “Траст” фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.



⇨ 2-бет

### ЎЗБЕКИСТОН: ДУНЁ САРИ ЙЎЛ

Маданий мерос ҳафталиги қатнашчилари илк маротаба ўтмиш сирларини кашф этиш имконига эга бўлишди. “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси доирасида амалга оширилган “Обидалардаги битиклар”ни илмий-амалий ўрганиш ўзининг аҳамиятига кўра, бетакрор ва эксклюзив ҳисобланади.




⇨ 6-бет

### “ДАШНОБОД НАҚШИ”

Аввало “Нима учун “Дашнобод нақши” ўйини ўйлаб топилган эди, деган саволга жавоб: чунки ҳаётда ҳамма нарса бир сабаб ва туртки, зарурат орқалигина юзага келишини яхши биламиз.



⇨ 11-12-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз орзу-интилишлари ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга энг устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ислоҳотларимизнинг асосий мақсади ҳам бутун жамиятнинг куч ва имкониятларини халқимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш ҳамда шу орқали барча юртдошларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдан иборатдир.

Бу жараёнда адашиб, турли нотўғри йўлларга кириб қолган, бугунги кунда ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқариб олган фуқаролар ҳам давлатимизнинг эътиборидан четда қолмаяпти, уларга нисбатан афв институти қўлланиб, оиласи ва жамият олдидаги маънавий қарзини узиш учун имконият берилмоқда. Кейинги уч йилда юртимизда 7 марта афв эълон қилиниб, 3952 нафар шахс афв этилгани — халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик, кечиримлилик ва олижаноблик фазилатларининг яққол амалий ифодасидир.

Кундалик ҳаётимизда содир этилаётган жиноий хатти-ҳаракатлар барчамизни огоҳликка ундаши, уларнинг туб сабабларини ўрганиб, олдини олиш учун давлат органлари, маҳалла, хотин-қизлар, нуронийлар ва ёшлар фаоллари, жамоатчилик тузилмалари сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий ишларни тизимли равишда ташкил этишлари ҳамда баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари зарур.

Таъкидлаш жоизки, ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларни афв этиш — бу алоҳида бир шахсни кечиришдан иборат бўлибгина қолмасдан, келажакка умид кўзи билан боқаётган болажонлар тақдирига, қалби вайрон бўлиб, жигарбандини кутаётган отахон ва онахонларга нисбатан Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг юксак намунасидир.

Ана шундай муҳим омилларни ҳисобга олиб ҳамда халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг улуғ ва энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 28 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **«Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон**ни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **65 нафар** фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **17 нафари** жазодан тўлиқ озод қилинди, **13 нафари** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, **20 нафари**га эса тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди. Бир сўз билан айтганда, **50 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш жойларидан ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилди.**

Шунингдек, **14 нафар** шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддати қисқартирилди ва **1 нафар** шахс **озодликни чеклаш жазосидан озод қилинди.**

Афв этилганларнинг **4 нафар**ини аёллар, **1 нафар**ини 60 ёшдан ошган шахс, **1 нафар**ини чет эл фуқароси, шунингдек, **39 нафар**ини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этади.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА**

Истиқлол шукуҳи кезиб юрган шу кунларда анъанавий тадбирларимиз билан бир қаторда “Шарқ тароналари” XII халқаро мусиқа фестивалининг бошланиши дунё нигоҳини яна Ўзбекистонга қаратди.



# Халқлар бирдамлигини улуғловчи наволар

Мана, неча йилдирки, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланиб келмоқда. Фестивалнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, турли тамаддунлар бешиги сифатида таърифи етти иқлимга етган қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандда ўтказилишида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Аждодларимиз илм-фан, бунёдкорлик, меъморчилик каби турли соҳалар билан бир қаторда, санъатга катта эътибор қаратишган. Хусусан, буюк соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча соҳалари гуркираб ривожланган. Бугун эса дунё халқларини бир ерга жам қилган ушбу фестиваль ўтадиган муаззам шаҳар ва Регистон майдонида Соҳибқироннинг руҳи кезиб юрган, мусиқанинг сеҳрли кучидан шод бўлиб, юксакларга парвоз қилаётган бўлса ажабмас...

Маълумингизки, 26 август куни фестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари меҳмонларни мамлакатимизда кўришдан мамнунлигини билдириб, йиғилганларни мазкур айём билан муборакбод этди.

*“Биз бу фестивалнинг замирида улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий бобомизнинг,* ***олам аҳли, ҳамиша бир-бирингизга дўст бўлинг, Ер юзини ўз меҳнатингиз, истеъдодингиз билан обод қилинг,*** *деган мазмундаги ўлмас даъвати мужассам эканини кўрамиз, — дея таъкидлади Президентимиз ўз маърузаси давомида. — Айни пайтда буюк француз адиби Виктор Гюгонинг* ***“Эзгулик ва ҳамжиҳатлик – инсон маънавий оламининг қуёшидир”*** *деган ҳикматли сўзлари мана шундай юксак ғоялар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.*

*Бу фикрлар бундан неча юз йиллар аввал айтилган бўлса-да, бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан, бизнинг қалбларимизда, юракларимизда акс садо бермоқда.*

*Мана шу юксак саҳнага — кўркам ва муҳташам Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, башарият фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди”.*

Дарҳақиқат, буни фестивалда иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар муносабатидан ҳам англаш мумкин.

Маърузада қайд этилганидек, бу йилги фестивалда 75 давлатдан 340 нафар вакил қатнашмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари деб атади. Шунингдек, маросимда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Бангладеш, Польша, Беларусь, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардан расмий шахслар, фахрий меҳмонлар иштирок этди.

3 →

Мактаб, бу — ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

» Муносабат

# МАКТАБ — маънавият ва маърифат ўчоғи

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим-тарбия ишларини янгича ташкил этиш фарзандлар тарбиясида ота-оналарнинг масъулияти, педагоглар билан ҳамкорлиги ва умуман мактаб таълимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш масаласида мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди. Қуйида йиғилишда илгари сурилган ҳаётбахш ва муҳим вазифалар юзасидан Халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг муносабатини эълон қилдик.

Барчага маълумки, юртимизда Мустақилликка эришилгандан кейин ҳам ўқитувчиларга давлат бюджетидан ойлик олувчи текин ёрдамчидек қараб келинган эди. Пахта терими, ободонлаштириш ишлари ва турли тадбирларга “фон” сифатида жалб этиш учун биринчи номзод афсуски халқ таълими тизими ходимлари ва ўқитувчилар бўлган.

Маҳаллий ҳокимлар наздида энг яхши мактаб директори ким бўлган? Мактаб ўқитувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига ўз вақтида олиб чиққан ва режани бажарган, коммунал тўловларни аҳолидан йиғиб олишда жонбозлик кўрсатган, ободонлаштириш ишларида энг кўп ходимларини чиқариб, биронта норозиси бўлса, дарҳол чора кўрган директор — энг яхши директор, деб эътироф этиб келинган. Яъни, бу каби муаммолар сабаб таълим сифати кун тартибида деярли бўлмаган.

3 →

**Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!**

Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган — Мўйноқ халқи. Уларнинг сабр-матонати, ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлиги учун раҳмат айтишимиз, шунга муносиб хизмат қилишимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Мўйноқда янгиланиш шамоли

Бугун Мўйноқдаги янгиланишлар бутун дунё ҳамжамияти нигоҳини ўзига қаратиб, каттаю кичикнинг ҳавасини келтирадиган масканга айланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга дастлабки ташрифи Мўйноқ тумани учун катта ўзгаришларни бошлаб берган эди. Сўнгги икки йилда туманнинг ижтимоий инфратузилмасини мустаҳкамлаш иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар Мўйноқ учун янги имкониятлар эшигини очиб берди. Туманни янгилаш, марказини "Мўйноқ сити"га айлантириш борасидаги ишларга дастлабки қадамлар ташланди. 2019-2021-йилларда саноат соҳасида 33 та, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида 32 та, қишлоқ хўжалигида 8 та ва бошқа соҳаларда жами 73 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилди.

2019-2021 йилларда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида кўзда тутилган 1 триллион 485 миллиард сўмлик маблағнинг шаҳар қурилиши учун 197 миллиард 826 миллион сўми ажратилиб, айни пайтда 20 та кўп қаватли турар-жойларнинг қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.









Сўнгги пайтларда ҳудуднинг экологик муҳитини яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами ўзининг натижасини кўрсатди, одамларнинг турмуш шароити сезиларли даражада ўсганини кўриш мумкин. Президентимизнинг Қорақалпоғистонга бу галги ташрифи айни Мўйноқ туманидан бошланиши ҳам бежиз эмас. Сабаби, ўтган давр мобайнида шунга арзирли кенг кўламли ишлар олиб борилди. Орол денгизининг қуриган тубидан кўтариладиган қум тўзонларини тўсиш мақсадида 2019 йилнинг 8 ойида 500 минг гектардан зиёд ерга саксовул кўчатлари экилди. Келгуси йил бундан ҳам кўроқ саксовул экиш режалаштирилаётир. Бепоён Ўзбекистонимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири Мўйноқда амалга оширилаётган ишлар қорақалпоғистонликлар, айниқса, мўйноқликларни ҳайратда қолдираётганига гувоҳмиз.

Дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мўйноқ туманидаги янгидан барпо этилган маданият марказида маҳаллий фаоллар билан мулоқот қилар экан, шундай дея таъкидлади: *"Қорақалпоғистонда ҳамма соҳада ўзгариш бўляпти. Бунинг замирида шу заминда яшаётган буюк халқнинг меҳнати, интилишлари мужассам. Сизлар билан биргаликда катта ҳаракат бошладик. Ҳар бир ҳудуднинг дардини ўрганайлик, ҳар бир инсоннинг қалбига кириб борайлик, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайлик, деб чуқур ислоҳотларни амалга оширяпмиз. Одамлар эртага эмас, олис келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак".*

Дарҳақиқат, ушбу даъват натижада Қорақалпоғистонда яққол бўй кўрсатди. Оролбўйи аҳолиси ҳаётини яхшилаш ҳақидаги гап-сўзлар 50-йиллардан бери бор эди. Лекин кейинги икки йилда қилинган ишлар кўзга ташланарли бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун шериклик асосидаги "Траст" фонди тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация маркази, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Денгизнинг қуриган тубида ҳимоя ўрмонзорлари, Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги қарорига мувофиқ Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Биргина жорий йилнинг саккиз ойида 8 боғча, 7 мактаб, 4 спорт иншооти, 6 тиббиёт муассасаси, 8 та маданият объекти қурилди ва таъмирланди. Бундан ташқари, 20 та кўпқаватли уй-жой барпо этилмоқда.

Юртбошимиз билан кечган самимий учрашувларда: *"Катта-катта иморатлар, замонавий техника билан мақтаниш керак эмас. Ақлли, билимли, фидойи фарзандларни тарбияласак, улар Ватанга садоқат билан хизмат қилса, энг катта бойлик, бахт мана шудир"*, — деди давлатимиз раҳбари.

Бир пайтлар Мўйноқ балиқчилик саноати билан машҳур бўлган. Ўтган асрнинг 80-йилларида фаолият юритган консерsuccessfully комбинати касодга учраган ва кейинчалик бу ерда битта ҳам корхона қолмаган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили бу ерга келиб, мавжуд сув ҳавзаларида балиқчиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича тавсиялар берган эди. "Мўйноқ аква саноат" корхонаси ана шу ташаббус натижасидир. Лойиҳа қиймати 20 миллиард сўмлик мазкур корхона йилига 4 минг тонна балиқни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона ишга тушгач, 200 тонна дудланган балиқ, 780 тонна қийма, 400 тонна филе, 9 миллион дона консерва ишлаб чиқарилади. Қарийб 60 иш ўрни яратилади. Бугунги кунда корхона биноси қурилиши якунланиб, технологик ускуналар ўрнатилмоқда. Уни шу йил сентябрда ишга тушириш мўлжалланган.

Аслида, балиқчилик тармоғида қўшимча 17 лойиҳа ишлаб чиқилган. Натижада балиқ етиштириш ҳажмини 15 минг тоннага, қайта ишлаш даражасини 36 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Оролнинг қуриган тубига буталар экиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган 42 йил мобайнида 400 минг гектар майдонда саксовуллар экилган бўлса, 2018-2019 йилда қарийб 500 минг гектарда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилган. Тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, яна икки йилда 700 минг гектар ерни яшил ҳудудга айлантириш мумкинлиги таъкидланди.

Ўтган ойда туманда "Мўйноқ порлоқ текс" масъулияти чекланган жамияти томонидан тикувчилик корхонаси ишга туширилди. 350 та иш ўрни яратилди. Тумандаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришилди. Замонавий машиналар ўрнатилган мазкур корхона йилига 1 миллион дона тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда чойшаб ва кўрпа жилдлари, махсус иш формалари тикилмоқда. Шу ернинг ўзида савдо дўкони ташкил этилган. Янги қурилаётган уйлардан корхона ишчилари учун хонадонлар ажратилган.

Президентимиз ушбу корхона фаолияти билан ҳам танишди, ишчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

**"Мўйноқдаги ўзгаришларни, сизларнинг кўзларингиздаги розиликни кўриб жуда хурсандман. Бу — узоқ-узоқ ҳудудларга бориб қилаётган ишларимиз натижаси. Агар кимдир бизнинг ислоҳотларимизга шубҳа қиладиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсин"**, — деди Президент.

Корхона фаолияти билан танишар экан, давлатимиз раҳбари мутасаддиларга уни барқарор ишлатиш, маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга икки кунлик ташрифи давомида бир қатор туманларда бўлиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси билан яқиндан танишди. Ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни ҳам тилга олиб ўтди.

**Гўзал ЯКУДАЕВА.**

## БЎЗОТОВ ТУМАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ БЎЛАДИ

**Халқ депутатлари Кегейли тумани Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 20-21 август кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида белгилаб берилган топшириқлари асосида Бўзотов туманини қайта ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди.**

Унда ушбу туманни ташкил қилиш ва маъмурият маркази қилиб Бўзотов посёлка фуқаролар йиғинини белгилаш, "Қазанкеткен" маҳалла фуқаролар йиғинини "Бўзотов" посёлка фуқаролар йиғини этиб қайта тузиш ҳақида сўз борди. Шунингдек, "Қусканатау", "Аспантай", "Эркиндарё" овул фуқаролар йиғини ва "Қазанкеткен" маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф қилиш ва аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича тадбирларни белгилаш тўғрисидаги масалаларга эътибор қаратилди.

Мажлисда депутатлар бир овоздан янги туман ташкил қилинишини қўллаб-қувватлади ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Бўзотов туманини ташкил қилиш ва туман чегараларини тасдиқлаш бўйича таклиф киритилди.

**Ўз мухбиримиз.**

**7 КУН** — ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азулени қабул қилди.**

Учрашувда кенг кўламли шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, Жаҳон мероси қўмитасининг навбатдаги сессияси якунида эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Маданият, таълим ва фан, гендер сиёсат йўналишларида ҳамда экология, жумладан, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўналишида амалий ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

ЮНЕСКО кўмагида мамлакатимизда «Шарқ тароналари», бахшичилик санъати, ҳунармандчилик фестиваллари, Мақом санъати анжумани каби қатор йирик халқаро тадбирлар ташкил этилмоқда.

ЮНЕСКО Бош директори самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

## ПАХТАКОРДА ЯНА БИР КОРХОНА

**Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида енгил саноат маҳсулотлари, асосан, калава ип ишлаб чиқарувчи янги корхона иш бошлади.**

"Пахтакор голд текстиль" МЧЖ тумандаги бешинчи йирик саноат корхонасидир. Тумандаги иккита шу каби корхона 27000 гектар майдонга экилган пахтани кластер асосида қайта ишлаш қувватига эга. "Пахтакор голд текстиль" МЧЖ йилига 5500 тонна хомашёни қайта ишлайди. Германиядан келтирилган энг сўнгги авлод технологиялар пахта толасини тозалашдан тортиб, ип калава ҳолатига қадар бўлган бир неча босқичли жараённи бажаради.

Корхонада 170 та янги иш ўрни яратилди.

**Дилшод ЖЎРАЕВ.**

## 10 ЁШЛИ ЧЕМПИОН

**Беларусь Республикасининг Минск шаҳрида шахмат бўйича рапид, блиц йўналишида учинчи Жаҳон чемпионати ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон терма жамоаси таркибида қатнашган самарқандлик Афруза Ҳамдамова ва Руқия Олимова ўз ёш тоифасида ғолиб бўлди.

Мусобақада ФИДЕ спорт усталигига номзодлар Руқия Олимова рапид йўналишида 8 ёшгача бўлганлар орасида кумуш медалга эгалик қилган бўлса, 10 ёшлилар ўртасида Афруза Ҳамдамова блиц йўналишида олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ.**

## ЯНГИ ЎҚУВ БИНОЛАРИ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик байрами муносабати билан Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида янги қурилган 35-умумтаълим мактабининг биноси фойдаланишга топширилди.**

Таълим маскани ўзбек ва бошқа хорижий тиллардаги зарур дарслик ва адабиётлар билан таъминланган. Синф хоналари замонавий тарзда жиҳозланган.

Мазкур мактабда 6,185 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Замонавий спорт зали бунёд этилди. Ўқув ва лаборатория хоналари, компьютер синфи давлат таълим стандартлари асосида тегишли жиҳозлар билан таъминланиб, ўқувчиларнинг фанларни пухта ўзлаштириши учун зарур шароит яратилди. Шунингдек, 36-мактабнинг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

**Азимбек САМАДОВ.**

## ГИМНАСТРАДА — БАРЧА УЧУН

**Навоий шаҳридаги кураш мактабида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб, 50 дан ошган уй бекалари ва 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида гимнастрада спорт фестивали бўлиб ўтди.**

"Гимнастрада — барча учун" тадбирида туман ва шаҳарлардан 12 нафар иштирокчидан иборат жамоалар ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу беллашувда жамоаларнинг либослари, ҳаракатларнинг мусиқа билан уйғунлиги, композицион чиқишларнинг аниқлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Натижаларга кўра, Зарафшон шаҳри жамоаси биринчи, Қизилтепа туманининг спорт ишқибозлари иккинчи ва учқудуқлик иштирокчилар учинчи ўринни эгаллашди.

**Зебо ҚУТЛИЕВА.**

# Халқлар бирдамлигини улуғловчи наволар

←1

Мамлакатимизда 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур фестивалга йил бошидан тайёргарлик кўрилди. Президентимизнинг жорий йил 26 февралдаги "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эса бу борада дастуриламал бўлди.

Айни пайтда фестивалда қарийб 300 нафар санъаткор иштирок этмоқда. Тадбир доирасида очиқ концертлар, ижодий учрашувлар, илмий ва матбуот конференциялари шаклидаги дастурлар, тақдимот ва маҳорат дарслари ҳамда кўрик-танловлар, Самарқанд вилояти маданият масканларига саёҳатлар ташкил этилаётир. Турли давлатлардан ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар, бадиий жамоалар танловда қатнашиш билан бирга, шаҳар ва туманлардаги истироҳат боғлари, амфитеатрларда ўз концерт дастурларини намойиш этадилар.

Ҳа, Президентимиз таъбири билан айтганда, мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир. Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади.

Фестиваль доирасида Самарқанд шаҳридаги Форумлар саройида 26 август куни "Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) шафелигида ташкил этилган анжуманда халқаро ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, дунёнинг 77 давлатидан архитектор, олим ва халқаро экспертлар иштирок этди.

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним мазкур конференциянинг юксак савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши тарихий аҳамият касб этишини таъкидлаб, бу қадимий шаҳар нафақат Буюк ипак йўли чорраҳасидаги йирик савдо, балки маданият маркази бўлганини эътироф этди.

— Бир неча асрлик тарихга эга обидалар ушбу заминнинг азалдан илм-фан, маданият ривожланган маскани, бу халқ аждодларининг юксак ақл-заковат эгаси бўлганидан далолат беради, — деди Одре Азуле. – Ушбу моддий меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш эса барчамиздан юксак масъулият талаб этади. Чунки мазкур обидалар нафақат ушбу минтақа халқлари, балки инсониятнинг бойлиги ҳисобланади. Шу мақсадда ЮНЕСКО Ўзбекистон билан фаол ҳамкорликда иш олиб бориб, моддий ва номоддий меросни асраб-авайлаш борасида ўз тавсияларини бермоқда, амалий кўмак кўрсатяпти. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам замонавий шаҳарсозликда маслаҳатларимизга таянган ҳолда иш олиб бормоқда...


ЎзА фотолари

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштиришнинг кенг кўламли жараёни билан дунё жамоатчилигини таништириш, уни ўрганиш билан боғлиқ фундаментал лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда дунёга таниқли олимларни бирлаштириш мақсадида 22-27 август кунлари Тошкент, Термиз ва Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистон — буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар" мавзуида Маданий мерос ҳафталигида бирлаштирилган қатор аҳамиятли тадбирлар ўтказилди.

Самарқандда ушбу ҳафталик доирасида соҳибқирон Амир Темур даврига мансуб еттита боғдан бирининг намунаси бўйича барпо этилган янги "Боғишамол" боғининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда "Самарқанд — буюк ипак йўлининг юраги" деб номланган тарихий саҳналар намойиши ўтказилди. Ундаги турли саҳналар меҳмонларни шарқона қадимий бозор муҳити, унинг миллий анъаналари, халқ амалий санъати билан таништирди.

Маданий мерос ҳафталиги иштирокчилари ва меҳмонлари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида ҳам иштирок этишди.

Ташриф буюрган меҳмонларнинг таассуротлари билан қизиқдик.

**Кодзи Шибазаки — Айти санъат университети, дизайн ва қўл санъатлари кафедраси профессори (Япония):**

*— Самарқанднинг, умуман, Ўзбекистоннинг бой моддий ва номоддий мероси ҳақида кўп ўқиганман. Анжуманда Самарқанд ҳақида кўплаб маърузалар қилинди ва таассуротларим, юртингиз ҳақидаги билимларим янада бойиди. Ўзбекистон маданий меросини тадқиқ қилишга бўлган қизиқишимни янада оширди. Юртингизда ҳали ўрганилиши керак бўлган тарихий объектлар жуда кўп экан. Булар биз учун қизиқ, албатта.*

**Оҳ Эункюнг, Донгдук – Хотин-қизлар университети катта профессори (Жанубий Корея):**

*— Ўзбекистон бўйича илмий иш қилган чоғимда бу диёрга меҳрим тушган. Бу серқуёш ўлкани шу даражада севиб қолдимки, ўзбек тилини астойдил ўрганишга ҳаракат қилдим ва ниятимга етдим. Қисқа фурсат ичида ўзбек халқининг бой маданий мероси борлигини кўрдим, ўргандим, тарғиб қилдим. Барча туркий халқлар, давлатлар билан танишман. Энг бой мерос айнан шу заминда эканлигини англадим. "Шарқ тароналари"нинг очилиш маросимида иштирок этиб, очиғи, юқори савияда ташкил этилган ушбу концерт дастуридан лол қолдим. Ҳеч қачон санъатдан бу қадар лаззат олмаганман. Иштирокчилар дастур устида узоқ ва пухта ишлашгани яққол сезилиб турди. Кейинги дастурларда ҳам иштирок этиш ниятим бор...*

Муҳташам Регистон майдонида дунё наволари янграй бошлади. Танлов иштирокчиларидан яна бири **Акбар ХОН** ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

*— Мен Покистон фарзандиман. Аммо "Шарқ тароналари" фестивали очилиш маросимида қатнашиб, унда ижро этилган ўзбек куйларидан англашилган маънони ҳеч бир тилмоч кўмагисиз тушундим.*

*Фестиваль нафақат турли халқлар маданияти, мусиқаси билан танишиш, ўз ижод намунангни ижро этиш орқали халқинг саломини етказиш, балки латиф ва бетакрор, муқаддас ва барҳаёт Шарқ дурдонаси – Самарқанд тарихи билан яқиндан танишиш имкони ҳамдир. Куни кеча ислом оламида машҳур Имом Бухорий мажмуасида бўлдим. Руҳий покланиш манзилининг ҳар бир кошинидаги нақшлар, гиёҳу сайроқи қушлар бу улуғ қадамжо ҳақида қўшиқ басталаётгандек, маърифат улашган алломалар юрти ҳақида сўзлаб бераётгандек таассурот қолдирди.*

Ҳа, Самарқандда бугун ана шундай кўтаринки кайфият ҳукмрон. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига ўралиб бораётган бир шароитда мусиқа инсонга инсонлигини эслатиб, унинг қалбида келажакка умид ва ишонч уйғотади.

**Феруза РАҲИМОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**

*RS: Самарқанд. Регистон. "Шарқ тароналари" XII халқаро мусиқа фестивали қизғин давом этмоқда. Қўшиқ ва наво байрамининг кейинги кунлари ҳақида анжуман матбуот гуруҳида фаолият олиб бораётган мухбиримизнинг репортажлари газетамизнинг навбатдаги сонларида ҳам эълон қилиб борилади.*

# МАКТАБ — маънавият ва маърифат ўчоғи

←1

Натижада, педагогика институтларига асосан бошқа университетларга кира олмаганлар ўқишга кирган. Уларнинг ҳам билимлари ўқитувчилик касбини танламасдан, бошқа соҳаларда фаолият юритишни маъқул кўрган.

Мактабларга "эътибор" бўйича яна бир мисол: 2016 йилгача қурилиш ва жиҳозлаш бўйича маблағлар таълим йўналишида асосан мактабга эмас, балки ҳашаматли коллеж биноларини қуришга кетган. Натижада мактабларнинг моддий-техник ҳолати жуда абгор аҳволга келиб қолган. Нафақат узоқ ҳудудларда, ҳатто пойтахт Тошкент шаҳридаги мактабларнинг ҳам аҳволи жуда ҳароблашган. Яқинда Тошкентдаги мактабларни хатловдан ўтказилганида, 30-50 йиллардан бери умуман дастурга киритилмаган 16 та йирик мактаб аниқланди. Дастурга киритилганларигаям жуда кам маблағ ажратилган. Асосан фасад қисмига эътибор қаратилиб, ички коммуникациялари жуда эскирган. Синфхоналар эса асосан ота-оналарнинг кўмаги билан таъмирлаб келинган. Анчагина мактаблар ёпилиб ҳам кетган. Бинолари эса бошқа давлат ташкилотларига фойдаланишга берилган. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасида 2010-2016 йилларда 41 та мактаб ёпилган. Шу бир йилнинг ўзида эса баъзи коллежларни мактабга айлантириш орқали 21 та янги мактаб очилаяпти.

Маҳаллий бюджетларда маблағ қолдирмайдиган сиёсат бўлса-да, мактабларнинг кўп харажатлари маҳаллий бюджетга ташлаб келинган. Натижада, ўша маблағлар деярли ажратилмаган. Охирги уч йилда Президентимизнинг жойлардаги ҳокимликларга режадан орттириб бажарилган тушумларининг катта қисмини қолдириш бўйича қароридан кейин аксар аҳоли сиёсатни тўғри тушунди. Маҳаллий ҳокимлар мактабларга «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» ва бошқа дастурлар орқали ёрдам кўрсатишни бошлади. Масалан, Қорақалпоғистонда шу йил маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар миқдори 1991-2016 йилларда ажратилганидан кўра кўпдир. Таъмирлашга қўшимча равишда ўқувчилар ҳанузгача ўтган асрнинг 50-60 йилларида ишлаб чиқилган парта ва мебеллардан фойдаланиб келганлигини инобатга олиб, минглаб комплект парталар ҳам харид қилинди.



Бир йилу икки ой аввал Президентимиз соҳадагиислоҳотлар биринчи навбатда жамиятимиздаги ўқитувчининг мавқеини оширишга қаратилиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Мисол сифатида Япония Бош вазирининг Японияning ривожланиш сири нимада, деган саволга жавобини айтиб ўтгандилар: Биз ўқитувчиларга Императорнинг ҳурматини, Дипломатнинг дахлсизлигини ва Вазирнинг ойлигини бердик.

Шунинг учун, мазкур бир йил давомида ислоҳотлар айнан шу 3 та йўналишга қаратилди:

*Биринчидан*, ўқитувчиларнинг ҳурматини ошириш учун, аввало, уларни мажбурий меҳнат ва турли тадбирларда иштирок этиши тақиқланди. Мажбурий меҳнатдан ташқари яна бошқа ҳамма "мажбурий" сўзи ишлатиладиган қўшимчалардан озод этиш бошланди: мажбурий турли хил ташкилотларга аъзолик бадалини тўлаш, мажбурий чипта сотиб олиш, мажбурий равишда ойликларининг бир қисмини ноқонуний ҳашар орқали қайсидир ташкилотга ўтказиб бериш кабилар.

*Иккинчидан*, мактабларни текширишни кескин қисқартириш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. "Дарс муқаддас" (яъни дарс жараёнига ҳеч кимнинг аралашишга ҳаққи йўқ) концепцияси доирасида ўтган йили текширувлар сони 26 баравarga қисқарди.

*Учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида илк бор педагогларнинг ойликлари алоҳида қарор билан оширилди. Унгача бу тизим энг катта тизим бўлгани боис алоҳида ойлик оширилиши жуда катта харажатларга сабаб бўлади, деб умумий ойлик ошириш билан чегараланиб қолинган эди. Натижада, халқ таълими тизими ходимларининг ўртача ойлик маошлари республикадаги ўртача ойликдан анчагина пасайиб кетган эди. Ушбу жараённи тизимли равишда олиб бориш учун 2030 йилгача халқ таълими тизимини ривожлантириш концепциясида ҳам ўқитувчиларнинг ойликлари босқичма-босқич ошириб бориш режалаштирилган.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида ҳам 2020 йилда педагогларнинг ойликларини ошириш бўйича кўрсатма берди. Узоқ қишлоқлардаги мактабларга ўқитувчиларни жалб этиш учун уларга уй-жой, автотранспорт учун кредит бериш ҳам режага киритилди.

Натижада, тизимга эркак ўқитувчилар қайта бошлади. Ўтган йили ЮНИСЕФнинг UReport лойиҳаси ўтказган сўровга кўра, ёшларимизнинг аксариятида ўқитувчи касбини эгаллаш иштиёқи қайта уйғонди. Уч йил олдин ўтказилган сўровда эса аксарият ёшлар ўқитувчи бўлмоқчи эмасди. Энг ачинарлиси, ўқитувчилар ўз ҳаётининг машаққатларини инобатга олиб, фарзандларини ўқитувчи бўлишини исташмас эди.

Куни кеча бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши — тарихий йиғилиш бўлди, деб айтсам бўлади. Унда нафақат таълим соҳасига масъул раҳбарлар, балки шу соҳада фаолият юритаётган директор ва ўқитувчилар ҳам илк бора иштирок этди.

Йиғилишда Президентимиз ҳокимиятлар, вазирлик, ҳудудлардаги халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари, директор, ўқитувчиларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берди.

Эндиликда маҳаллий ҳокимлар мактаб бино ва иншоотларининг ҳолати, уларнинг жиҳозланишига жавобгар бўлади. Авваллари мактаб ҳолатига қўшимча ёрдам берилмаганига фақат директор ва ўқитувчилар жавобгар бўлган. Комиссиялар ёрдам бермасдан, фақат муаммо топиб, мактабни таъмирлашни талаб қилган. Бу эса ўқитувчиларни таъмирлаш ишлари билан овора бўлиши ҳамда ота-оналардан ортиқча пул йиғимларини сўрашига сабаб бўлган.

Энди мактабларни таъмирлаш ва уларда етарли шароитлар яратишга ҳокимлар шахсан жавобгар эканлиги аниқ белгиланди. Биронта ўқитувчи ёки халқ таълими тизими ходимларининг бу каби ишлар билан чалғитиб, овора қилмаслик бўйича аниқ вазифа юкланди.

Халқ таълими вазирлиги, тизим ходимлари, ўқитувчиларга ўзларининг асосий вақтларини, куч, билим ва ғайратларини таълим сифатини таъминлаш, фарзандларимизни билимли, ватанпарвар ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишиб чиқишига сарфлашлиги кераклиги, қурилиш таъмирлаш каби масалалар билан овора бўлиб, чалғимаслиги топширилди.

Йиғилишда кўрилган яна бир муҳим масала бу оиладаги таълим-тарбия, ота-оналарнинг масъулияти ва ўқитувчилар билан ҳамкорлигига ҳам эътибор қаратилди. Шу билан бирга сўнгги пайтларда баъзи ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбия олиши учун масъул эканлигини унутиб қўйгани таъкидланди. Улар бу масалани ҳам мактаб ўқитувчиларига юклаб қўйишган эди.

Юртбошимиз мактабларга пулни аямаслик кераклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Албатта, мактабларни ривожлантиришда мамлакатимиз иқтисодиётидан келиб чиқиб, маблағ ажратилади. Мактаб фақат чиройли иморат ва жиҳоз дегани эмас. Биринчи навбатда у ердаги ўқитувчининг фидойилиги ва савиясидир. Шунинг учун ҳам, Президентимиз, энг аввало, ўқитувчини барча бўғиндаги раҳбарлар ҳурмат қилиши ва доимо уларга ёрдам бериши муҳимлигини бир неча бор таъкидлади. Раҳбарларга ўзлари бирор мактабни оталиққа олиб, уни энг намунавий масканга айлантириш чораларини кўриш ҳам топширилди. Нафақат моддий томондан, балки у ерда ўқиётган ўқувчиларни ҳақиқий ватанпарвар Ўзбекистон фуқароси қилиб тарбия қилишга ўз ҳиссаларини қўшишга чорланди.

Мактаб таълими юртимиз, қолаверса, барчамизнинг келажагимизни белгилаб берувчи соҳа бўлгани боис авалги йиллардаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда мамлакатимизни ривожлантириш учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, таълим тизимини кўтаришимиз керак! Фақат биргаликда ҳаракат қилсак, кўзланган мақсадларга эриша оламиз. Муаммоларни ечимини топишга ҳаракат қилиб, ёрдам бериш ўрнига фақат уларни кўрсатиб, айбдор қидириш билан овора бўлсак, мамлакат сифатида дунё бозоридаги рақобатбардошлигимизни йўқотамиз. Шунинг учун ҳам мактаб масаласи Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз учун ҳаёт–мамот масаласидир.

**Шерзод ШЕРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.**

**Анжуман**

Мустақиллик байрамимиз арафасида дунёнинг нуфузли давлатлари зиёлилари, тадқиқотчи олимлари юртимиз ҳудудидаги қадимий ёдгорликлар ва илмий салоҳият сирлари билан яқиндан танишиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрди.

Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган маданий мерос ҳафталиги дунё олимлари назарини яна Ўзбекистонга қаратди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган ҳафталик доирасида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигида ташкил этилган **“Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва тарғиб этиш бутунжаҳон жамиятининг III халқаро конгресси”** 22-23 август кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

# Ўзбекистон: дунё сари йўл





Конгресснинг очилиш қисмида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маданият марказларининг миллий буюмлар — халқ амалиёти санъати дурдоналари кўргазмаси барчада хушнудлик кайфиятини уйғотди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, жумладан, шундай деди:

— *Президентимизнинг таклифларини қабул қилиб сиз азиз меҳмонларнинг юртимизга ташриф буюрганингиздан мамнунмиз. Ўйлаймизки, ушбу нуфузли анжуман ҳар томонлама манфаатли бўлади. Маданий меросни асраб-авайлаш ҳар бир халқнинг бурчи, уларни жаҳон оммасига тақдим этишдан мақсад эса миллатимизнинг бой ва ноёб осори-атиқалари борлигини кўрсатиш ва келажак авлодга етказишдир.*

Дунёнинг саксонга яқин давлатларидан келган қатнашчилар хоҳишига биноан эрамизнинг I асрида Ўрта Осиё ҳудудида барпо этилган қудратли Кушон империяси осори-атиқалари, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида сақланаётган 26 минг жилд қўлёзма, 39 мингдан ортиқ тошбосма китоблар кўргазмаси биринчи маротаба намойиш этилди.

26 август куни Самарқандда ўтказилган “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегиялари” халқаро конференцияси шу билан бирга 22-27 август кунлари ЎзЭОАВМА томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Тошкент, Термиз, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида “Ўзбекистон буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар” мавзусидаги маданий мерос ҳафталиги давомида ўтказилган тадбирлар бутун жаҳон аҳлининг диққат марказида бўлди десак хато бўлмайди. Анжуманга ташриф буюрган меҳмонларнинг Тошкентда қад ростлаётган Ислом цивилизацияси марказига ташрифи янада эътиборга молик бўлди.

Шунингдек, хорижлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланаётган Ислом оламининг ноёб мулки — Усмон Қуръони ҳамда исломшунос олимлар томонидан Усмон Қуръонига тенглаштирилган катта Лангар Қуръони билан танишиш имконига эга бўлишди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон учинчи халифа Усмон ибн Аффон буйруғига биноан ёзилган ҳар икки Қуръон китобига эга бўлган улуғ мавқедаги давлат саналади.

Маданий мерос ҳафталиги қатнашчилари илк маротаба ўтмиш сирларини кашф этиш имконига эга бўлишди. “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” лойиҳаси доирасида амалга оширилган “Обидалардаги битиклар”ни илмий-амалий ўрганиш ўзининг аҳамиятига кўра, бетакрор ва эксклюзив ҳисобланади.

**Ф.Старра, (АҚШ) Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва тарғиб этиш бутунжаҳон жамияти кенгаши аъзоси:**

— *Мен тадқиқот ишлари иштирокчиси бўлдим ва шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон қадимий осори-атиқалари билан бутун дунёни ҳайратда қолдира оладиган мамлакат эканига гувоҳман. Бу кўхна ва ноёб топилмалар чекка қишлоқларда, ҳатто одамларнинг уйларида ҳам сақланганини ўзбек халқининг ўз қадриятларини эъзозлашини англатади.*

Айниқса, Самарқандда барпо этилган Соҳибқирон Амир Темур даврига монанд “Боғишамол”га қилинган ташриф меҳмонларни XIV-XV асрга саёҳатга чорлагандек бўлди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан уюштирилган “Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраш ва тарғиб этиш бутунжаҳон жамиятининг III халқаро конгресси” мазкур ҳафталикдаги илк анжуман бўлгани билан эътиборлидир.

Конгрессда хорижлик қатнашчилар учун Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий мероси эрамиздан аввалги асрларга бориб тақалиши ва ҳозирги кунгача қўл меҳнати билан яратилаётган меъморий, ҳунармандчилик осори-атиқалари миллатимизнинг миллий анъанасига айлангани атрофлича айтиб ўтилди.

Ўзбек халқи яратган дурдона ёдгорликлар, ҳунармандчилик, каштачилик буюмлари ва плотноларининг бир қисми Франция, Германия, Буюк Британия, Россия, Туркия, Япония, Чехия, Польша сингари мамлакатлар музейларида сақланади. Маданий мерос ҳафталиги арафасида барча давлатлар ҳамда Ўзбекистондаги ноёб дурдона асарлар ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумида ўндан ортиқ томда альбом-китоблар чоп этилди ва тақдимоти ўтказилди.

Мажлислар залида ўрнатилган махсус зангори экранларда маданий меросимизнинг Англия, Германия, Франция, Туркия ва бошқа давлатлар музейларида сақланаётган миллий ва қадимий буюмлар ведио лавҳаларда намойиш этилди.

Республикамизда бундай нуфузли анжуманларнинг ўтказилиши, биринчи навбатда, ўзлигимизни англаб олишга замин яратади. Қолаверса, дунёнинг ривожланган давлатлари олдида биз ҳам ўз қудратига эга мамлакат эканимизни кўрсатиб туради.

Ҳафталик доирасида юқорида таъкидланганидек, меҳмонлар Тошкент, Термиз, Самарқанд ва Бухородаги қадимий обидаларга саёҳат қилишди, маданий обидалар илмий ўрганилди ҳамда юртимизда қадимдан мавжуд бўлган империялар, диний қарашлар ва маданиятлар борасида фикр-мулоҳазалар алмашинилди.

Тадбирларда жаҳон етакчи давлатларининг таниқли олимлари, илмий кутубхона ҳамда муассасалар ходимлари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Юсуф ЖЎРАЕВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

---

24-25 август кунлари “Ўзбекистон – цивилизациялар чорраҳаси” халқаро археология сайёҳлик форуми доирасидаги тадбирлар Термиз шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда кечди.

Халқаро форумда дунёнинг 77 давлатидан 140 га яқин халқаро экспертлар, олимлар, тарихий-маданий мерос тадқиқотчилари, маданият ва туризм соҳаси вакиллари иштирок этишди.

# Цивилизациялар чорраҳасида





Термиздаги муҳташам Санъат саройида анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Абдуҳакимов, Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти раиси Ф.Абдухолиқов, Франсия миллий илмий тадқиқотлар маркази профессори П.Лериш, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов ва бошқалар Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, Сурхон заминининг цивилизациялар чорраҳасида тутган ўрни, маданият ва динлар ривожидаги таъсири ҳақида қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Қайд этилгандек, Бойсундаги Тешиктош ғори, Шерободдаги Зараутсой ёдгорлиги, Шўрчидаги Далварзинтепа, Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепа, Эски Термиз обидалари қадим Сурхон замини дунё таммадуни бешикларидан бири эканлигини кўрсатади. Бу ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида илк давлатчилик ва шаҳарсозлик, ҳунармандчилик ва меъморчилик, илм-фан ва маданият жадал ривожланганини кўриш мумкин. Айни пайтда воҳада 440 дан зиёд археологик ёдгорликлар сақланиб қолган. Миллий давлатчилигимиз ривожи, дунё динлари тарихи, тамаддун босқичларини ўрганиш, таҳлил этишда олиб борилаётган археологик изланишлар тарихий ҳақиқатларни рўёбга чиқаришга имкон беради.

Анжуманда Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бутунжаҳон жамияти илмий кенгаши раиси академик Э. Ртвеладзенинг “Окс Искандарияси — Кампиртепа: Окс бўйидаги шаҳар-қалъа” мавзуидаги видеомурожаати эшиттирилди. Оксиана Инскандарияси (Александрия)нинг инсталяцияси 3D форматидаги тақдимоти ўтказилди. Кушон империяси буддизм дини тарихига оид видеолавҳалар намойиш этилди.

Анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда, қадимги давр билан мулоқот ва маданий тараққиёт, Элинизм даври: Ғарб ва Шарқнинг Марказий Осиёдаги учрашуви, Кушон салтанати: Антик цивилизациянинг буюклиги каби умумий мавзуларда бир-биридан қизиқарли маърузалар ўқилди.

— Анжуманни ўтказишдан асосий мақсад ЮНЕСКОнинг моддий, маданий меросни асраш ва номоддий маданий меросни сақлаш тамойилларини илгари суриш, юртимиздаги тарихий ва маданий меросни сақлаш, оммалаштиришдан иборат, — деди Ўзбекистон маданий меросини асраш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти раиси Ф.Абдухолиқов. — Маълумки, юртимиздаги аксарият маданий ёдгорликлар қисман ўрганилган бўлса-да, илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилиши зарур, ўрганилмаган қадамжолар ҳам кўп. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиб олишимиз, тарихий маданий меросни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида ёдгорликларни консерватсиялаш ва тиклаш ишларига замонавий инновацион рақамли технологияларни қўллашни талаб этмоқда.

Ўтказилаётган конференция туфайли маданий ёдгорликларни асраш соҳасидаги муаммоларни кўриб чиқиш ва халқаро тажриба алмашиш, мазкур йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш имконияти пайдо бўлмоқда. Тадбирда ИТ-компаниялари вакиллари, маданият ва туризм соҳасидаги давлат органлари ҳамда маданий мерос соҳасида АТКни қўллаш бўйича халқаро экспертлар иштироки, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Халқаро форум натижалари нафақат Марказий Осиё минтақаси учун, балки Осиё-Тинч океани минтақаси, шунингдек, дунёнинг бошқа давлатлари учун ҳам ўз қимматига эга.

Музработ туманидаги Кампиртепа ёдгорлигида академик Э.Ртвеладзе бошчилигида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари форум иштирокчиларига маълум қилинди. Милоддан аввалги IV аср охирида қурилган ва милодий I аср бошларигача фаолият кўрсатган Оксиана Искандарияси ҳақида юнон тарихчиси Птоломей жуда нодир маълумотларни ёзиб қолдирган. Бу қадимий афсонавий шаҳар Марказий Осиёдаги эллинистик маданиятнинг ноёб ёдгорлиги, Александр Македонский томонидан бунёд этилган Оксиана Искандарияси эканлиги ўз тасдиғини топмоқда. Бу ерда Ғарбдан Шарққа томон Окс бўйлаб 400 метрдан ортиқ масофага чўзилган порт-шаҳарнинг ўлчамлари, яхши ривожланган шаҳарсозлик тузилмаси мавжуд. Қалъа дарвозалари, муқаддас ибодатхона, хазина сақлаш жойи, қабристон, шунингдек, бандаргоҳлар, савдо нуқталари ва ҳунармандчилик устахоналари, кемалар тўхтайдиган кўрфазлар тарихий ҳақиқатга мос келади.

— Искандар Макдунли номи билан аталувчи шаҳарлар дунёнинг бошқа жойларида ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихий воқеликни ўзида қамраб олади, — дейди Хофстра университетининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё дастури директори, профессор А.Наймарк — Буюк истилочининг 329-327 йиллардаги юришлари вақтида (Амударё)нинг ўнг қирғоғида барпо этилган қадимий шаҳар харобалари ҳамон сақланиб қолинган. Олимлар томонидан таҳлил қилинган Афғонистондаги Ойхоним, Эски Термиз ва Кампиртепа каби учта шаҳарчадан олинган археологик маълумотлар биринчи иккита шаҳарчадан фарқли равишда фақат Кампиртепада ишончли манбалар қўлга киритилган.

Форумда Сурхондарёнинг тарихи, ранг-баранг ўтмиши ҳақида янада қимматли маълумотларни кўриш, тарихий ҳақиқатлар ҳақида хулосалар ясадим. Термиздаги археология музейи экспонатлари нафақат бу замин балки, қадимий юнон-бактрия ўтмиши, буддизмнинг пайдо бўлиши, дунё бўйлаб тарқалишига оид ноёб манбаларни ўзида сақлаётгани билан ҳар қандай тарихшунос, археологни бефарқ қолдирмайди. Шу нуқтаи назардан халқаро форум ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман...

“Ўзбекистон буюк йўллар ва — цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар” мавзусидаги маданий мерос ҳафталиги қатнашчилари Термиз археолия музейи ҳамда Термиз туманидаги милодий I-III асрларга оид Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси билан ҳам яқиндан танишдилар.



**Азимбек САМАДОВ,**
**“Hurriyat” мухбири.**

Суратларда: ***Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бўлиб ўтган маданий мерос ҳафталиги фаолиятидан лавҳалар.***
**ЎзА фотолари.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда *«Миллий ахборот маконини ривожлантиришда журналистика соҳасининг устувор вазифалари»* мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

# Ахборот соҳасидаги маданият юксалиши зарур

Давра суҳбатини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қўмита раиси Илҳом Абдуллаев олиб борди. Мавзу бўйича филология фанлари доктори, таниқли ёзувчи ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов маърузалари тингланди. Давра суҳбатининг асосий мақсади соҳадаги ютуқ ва муаммоларни таъкидлаш билан бир қаторда, уларнинг ечими бўйича, шу жумладан, ахборот соҳасидаги қонунчиликка бугунги давр талабидан келиб чиқиб, маълум ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантиришдан иборат эди. Албатта, миллий ахборот соҳасининг либераллаштирилиши аҳолининг медиа саводхонлигининг ошишига, давлат ва жамият орасида очиқ конструктив ахборот алмашинувини фаоллаштиришга хизмат қилиш билан биргаликда жамоатчилик назорати тадбирлари самарадорлигини оширишга имкон яратди.

— Сўнгги йилларда ахборот соҳасига жуда катта имкониятлар яратилмоқда, — деди таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад. — Ахборот соҳасидаги тўсиқлар олиб ташлангандан сўнг турли ҳолатларга дуч келаётганимиз ҳам бор гап. Лекин ушбу имкониятлардан ким қандай фойдаланмоқда? Тан олишимиз керак, биз бу имкониятга маънавий, ҳуқуқий, айниқса, ахлоқий жиҳатдан тайёр эмаслигимиз кўриниб қолди. Бензиннинг нархи мабодо 5 сўмга ошса, ҳамма нарсанинг баҳоси ошиб кетишини ёш бола ҳам билади. Аммо "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунни, ахборот соҳасидаги ўзгаришларни, унинг жамиятдаги ролини ҳатто энг "нозик", яъни катта давлат идорасида ўтирган айрим раҳбарлар ҳам билишмайди. Эҳтимол, билишни исташмас ҳам. Агар исташганида сўнгги пайтларда айрим ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари билан боғлиқ воқеалар бунчалик оммалашиб кетмасди. Шунинг учун аввало, ахборотдан фойдаланиш ахлоқини ҳам оммалаштириш керак, деб ўйлайман.

— Бугунги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бири Интернет тармоғи орқали нолегал, нохолис ахборотларнинг оммавий ҳолатда тарқатилишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ижтимоий тармоқлардан, тезкор хабарларни тарқатиш техник майдончаларидан, оммавий ахборотларни тарқатиш мессенжерларидан фуқароларнинг шахсга доир ҳуқуқлари, айниқса, уларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотнинг дахлсизлиги қўпол равишда бузилган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари кўплаб учраётир.

Энг хавфлиси балоғат ёшига етмаган болалар ва ёшлар учун ҳам бундай нолегал ахборотларнинг етиб бораётганидир. Ёшлар ривожланишининг физиологик ва психологик хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, улар баъзида Интернет тармоғидаги қонунга хилоф равишда берилаётган ахборотларнинг қурбонига айланиб қолмоқда, деди ўз чиқишида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов.

— Амалдаги қонунчилигимизда ахборот соҳасида қонунбузарликка йўл қўйилганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 6 та моддасида, Жиноят кодексининг 13 та моддасида жавобгарлик белгиланган, — дейди "Нуроний" газетаси бош муҳаррири Олимжон Ўсаров. — Айтиш лозимки, ушбу жавобгарлик турлари фуқароларнинг сўз эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилмаган. Аксинча, улар инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрў-эътиборининг бошқалар томонидан поймол қилинишининг олдини олиш билан боғлиқдир.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан «Правда Востока» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров, «Адолат» газетаси бош муҳаррири Ислом Ҳамроев ва бошқа журналистлар ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидландики, ОАВларида эълон қилинаётган танқидий чиқишларга тегишли ҳокимият, идора, вазирлик ва прокуратура органларининг муносабати салбий аҳволда. Ахир, Жиноят процессуал кодексининг тегишли қисмида матбуотда эълон қилинган материалларда қонунчилик тамойилларига хилоф ҳолатлар эълон қилинган бўлса, прокуратура органлари зудлик билан назоратга олиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Аммо бунинг учун прокуратура идоралари ҳамон таҳририятлардан алоҳида хат кутиб ўтириши тўғрими? Бундай аҳволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам ўз ваколати доирасида муносабат билдириши зарурлиги ҳам айтилди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан миллий ахборот маконини янада барқарор ривожлантириш мақсадида ахборот соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ўртага ташланди.

**Ўз мухбиримиз.**




**Касбга меҳр қўйганлар**

Инсоннинг энг буюк кашфиёти — китоб! Китоб одамзотни инсонийлик, эзгулик сари элитувчи йўлчи юлдуз, маънавият манзилига етакловчи маёқ. То ҳаёт бор экан, китоб ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

# Устоз ношир



Китоб қандай тайёрланади, биласизми? Кўпчилик биламан деб ўйлайди. Аммо айнан шу соҳада ишлаб кўрмаган одам соҳанинг икир-чикирларидан бохабар бўлмайди. Яқиндан танишгач эса: "эҳ-ҳей, шунча ишлари борми, машаққат эканку", деб юбориши тайин. Чунки, китоб ўқувчи қўлига етиб боргунча нашриёт, босмахона, яна нашриёт дегандай, поғонама-поғона меҳнат машаққатларидан ўтиб чоп этилади. Тан олиш керак, эл-улусга мақбул келадиган, маънавий-тарбиявий аҳамиятини йўқотмайдиган китоб нашр этиш ўта оғир ва масъулиятли иш. Бунинг учун нафақат меҳнат, балки малака ва савод ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун салкам қирқ йилдан буён ана шундай залворли юкни елкасида кўтариб келаётган инсонлардан бири ҳақида икки оғиз сўз юритгимиз келди.

Бойсун тоғлари пурвиқор ва салобатли, адирлардаги ўрмонлардан эсаётган салқин ва тоза ҳаводан завқланиб улғайган боланинг орзулари ҳам тоғлардай улкан эди. Отаси ўғлини ўзи каби ўқитувчи бўлишини истади. Тоғаси эса зукко жиянини оқ халатли шифокор сифатида кўз олдига келтириб чарчамади. Аммо ҳаёт йўриғи бошқа эканда, Ўзбекистон Миллий университети (аввалги ТошДУ) нинг филология факультетини танлаган ўспирин, дипломни қўлга олди-ю журналистиканинг қаттиқ нонини ейишга аҳд қилди. Аввалига "Мулоқот" журнали, сўнгра "Хабар" ва "Моҳият" газеталарида оддий ходим бўлиб ишлади, ўз касбига фидойилиги, ишлаб толмаслиги сабаб меҳнат ва ижод пиллапояларида зинама-зина кўтарилиб борди. Бош муҳаррир ўринбосари лавозимидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Матбуот котиби хизматида малака ошириганининг ўзи бир олам.

Ва ниҳоят, 1995 йилда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди, қалам аҳли юрган йўлдан юриб қалами чархланди ва "Ўзбекистон" НМИУда иш бошлади. Ўзи ҳам ўнлаб китоблар муаллифи сифатида ноширлик нақадар масъулиятли вазифа эканлигини ич-ичидан ҳис этган Иззат Аҳмедов ноширликда обрў топди.

Тез орада ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар бўлимининг етакчиси ва моҳир муҳаррири сифатида кўпчиликнинг назарига тушди. Жиддий тайёргарлик ва ўта масъулиятни талаб этувчи сиёсий адабиётларни нашрга тайёрлаш Иззат акага юклангани ёш шогирдларнинг ҳавасини келтиради.

Ёнингда тажрибали муҳаррирнинг борлиги, сен қўрқа-писа, иккилана-иккилана қўл чўзаётган қўлёзмани тап тортмай оладиган, шарта-шарта нашрга тайёрлаб ташлайдиган касбдошинг бўлиши катта бахт.

Иззат ака Агата Кристининг "Изқувар Пуаро", Нодар Думбадзенинг "Ҳисларимни қўзғама" асарини ўзбекчага моҳирона таржима қилган. Китобга ўзгача меҳр қўйган, ноширликни ҳаётининг мазмунига айлантирган устоз ношир — Иззат Аҳмедов шу кунларда олтмиш баҳорни қаршиламоқда.

У кишидаги ғайрат, шижоатни кўрган одам: "меҳнатдан ҳузур топган одамларга олтмиш ёш ҳам қирчиллама ёш экан-да", дейди. Иззат ака ҳали кўп йиллар нашриёт матбаа ижод уйида салмоқли китобларга бош муҳаррирлик қилиб, дунё сара асарларини ўзбек тилига ўгиришда чарчаш нималигини билмайдиган одам.

Тилагимиз — шундай бўлсин! Ва яна ёш муҳаррирларга ўз тажрибасини ўргатиб келаётган касбдошимизни ижод завқи ҳеч қачон тарк этмасин, ҳамиша яшариб юринг деймиз.

**Юсуф АБДУЛЛАЕВ.**

**Таълим**

# Фарғонада Корея халқаро университети

Юртимизда олий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот марказлари билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Фарғона вилоятида Корея халқаро университетининг ташкил этилиши ҳам ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Университетда ўқитиш тўлов-контракт асосида корейс, инглиз ва ўзбек тилларида кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Жорий йилда 720 нафар ёшлар ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган. Битирувчиларга Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда тан олинувчи белгиланган намунадаги диплом берилади. Биринчи йил 9 та йўналиш бўйича, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб 14 та йўналиш бўйича кадрлар тайёрланади.

Айни кунларда университетда мактабгача таълим, туризм менежменти, компьютер дастурлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари, архитектуравий лойиҳалаш, электр энергетика, автомобилсозлик, корейс тили, гўзаллик индустриясида менежмент таълим йўналишлари очилди.

**А.СОДИҚОВ.**

**Айтганча**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида"ги қарори аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб хизмат қилади. Ушбу қарор билан "Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги Низом" тасдиқланди.



# Ўзини иш билан банд қилган фуқароларга

## вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади

### Уларга қандай имтиёзлар бор?

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар — меҳнатидан даромад оладиганлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиб, маълум иш бажаришни мустақил амалга оширади, лекин якка тартибда тадбиркор деб рўйхатга олинмаган ҳамда ёлланма меҳнатдан фойдаланмайди. Уларнинг меҳнат стажи ҳисобга олиниб, рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи эвазига вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари расмийлаштирилади.

Меҳнат органи тавсиясига кўра, камида 6 ой амал қиладиган муддатга меҳнат гувоҳномасини расмийлаштирган шахслар ўз фаолият тури учун имтиёзли микрокредит олиши мумкин. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилувчиларга қисқа муддатли касбга тайёрлаш, малака ошириш, шунингдек, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш курсларида бепул ўқитиш кафолатланган.

Ҳунармандчилик фаолияти субъектлари ҳамда фермер хўжаликларида меҳнат қиладиганлар ўзини ўзи банд қилувчилар ҳисобланмайди.

Мазкур қарорга асосан тасдиқланган рўйхатга киритилган 24 та фаолият (хизматлар, ишлар) турлари бўйича меҳнат органлари томонидан, доимий яшаш жойидан қатъи назар, вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади.

### Улар солиқ тўловчими?

Меҳнат гувоҳномаси меҳнат органлари томонидан фуқароларнинг аризаси асосида, Низомга мувофиқ тақдим қилингач, ҳужжатга эга бўлган фуқароларнинг олган даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди, улар меҳнатига ҳақ тўлаш Ягона ижтимоий тўловларни ҳисоблаб чиқариш объекти ҳисобланмайди.

Шунингдек, меҳнат фаолияти ҳақиқатда бажарилган ёки бажарилмаганлигидан қатъи назар гувоҳномада кўрсатилган даврда ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш стажига эга бўлади.

Меҳнат гувоҳномаси ариза берувчининг хоҳишига кўра 1 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга берилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар жамоат ишларига, ўз хоҳишига кўра, белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида белгиланган қоидалар жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб амалиётга тақдим этилади.

**Аслиддин УСМОНОВ,**
**Самарқанд вилояти бандликка кўмаклашиш маркази бошқармаси бошлиғи.**

# "O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHI" AJ



**"O`ztemiryo`lyo`lovchi" *акциядорлик жамияти жамоаси мамлакатимиз аҳолисини ва меҳмонларини энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик куни билан муборакбод этишдан мамнундир!***

*Президентимизнинг халқчил ташаббуслари натижасида мамлакатимиз янги ва ёрқин юксалиш даврига қадам қўйди. Юртимизда кечаётган кенг қамровлиислоҳотларни бутун дунё тан олмоқда.*

*Давлатнинг қудрати шаҳарлар марказлашуви, қишлоқлар ободлигида кўринади, албатта. Янгича яшаш, аҳолига обод турмуш шароити яратиш сиёсатимизнинг бош мақсадига айланганини бежиз эмас. Куни кеча Ватанимизнинг чекка ҳудуди Мўйноқда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб биз ҳам ғурурландик.*

*Ана шундай улкан яратувчанлик ишлари она диёримизнинг барча гўшаларида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон очиқ осмон остидаги жаннат, десак хато бўлмайди.*

*"O`ztemiryo`lyo`lovchi" АЖ жамоаси ана шундай шукуҳли дамларда юртдошларимиз, юртимиз меҳмонларининг оғирини енгил қилиш, манзилига соғ-омон етиб боришини таъминлашда барча қулайликларни яратиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Халқнинг розилиги бизнинг ҳам бош мақсадимизга айланган.*

***Мустақиллик байрами арафасида жамоамиз номидан сиз азизларни яна бир бор Истиқлолимизнинг 28 йиллиги билан самимий қутлаймиз. Қутлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!***

## ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**"O`ztemiryo`lyo`lovchi" АЖ Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:**

Ⓟ Юқори тезликда ҳаракатланувчи 764/763-сонли "Afrosiyob" электро поездининг "Тошкент — Самарқанд", "Самарқанд — Тошкент" йўналишидаги қатнови мунтазам йўлга қўйилди.

Ⓟ "Тошкент — Андижон — Тошкент" йўналишидаги 60/59-сонли поезд **сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба** кунлари ҳамда 62/61-сонли поезд **душанба, сешанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба** кунлари мунтазам ҳаракатланмоқда.

Ⓟ Қўшимча юқори тезликда ҳаракатланувчи 764/763-сонли "Afrosiyob" электро поезди "Тошкент — Самарқанд" йўналишида **жума, шанба** ва **якшанба** кунлари ҳаракатланмоқда.

*Тошкентдан жўнаб кетиш* ***соат 08-30;***
*Самарқанддан ортга қайтиш вақти* ***соат 17-00*** *да.*

Ⓟ "Тошкент — Қарши — Тошкент" йўналишида 760/759 сонли "Afrosiyob" электро поезди эрталаб **соат 7:00** да Тошкентдан, **соат 16:48** да эса Қарши вокзалидан жўнайди.

Ⓟ "Тошкент — Бухоро — Тошкент" йўналишидаги 762/761 сонли электро поезд **соат 7:30** да пойтахтимиз Тошкентдан, шу куни **15:51** да Бухородан жўнайди.

***Бундан ташқари азиз юртдошларимизга қуйидаги чегирмалар тақдим этилади:***

**✷ Собиқ иттифоқ қаҳрамонлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда Чернобиль атом электростанцияси ҳалокати оқибатида жабр кўрганларга 1 йилда бир марта бепул хизмат кўрсатади.**

**✷ 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун чипта нархлари 50 фоизга арзонлаштирилган баҳода берилади.**

Қўшимча маълумотлар олиш учун:
Тошкент шаҳри, 100015, Туркистон кўчаси, 7-уй. Ишонч телефони: (+998 71) 299-94-50.
Маълумот олиш учун:
1005 (кеча-кундуз ишлайди).

*Эслатма: Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги Сарикўл кўчаси, 4/а-уйда янги темир йўл кассаси ўз фаолиятини бошлади.*

Хизматлар лицензияланган.












Реклама ҳуқуқи асосида

UZBEK COMMODITY EXCHANGE

# ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ВА РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИНИНГ "ДЎСТЛАР КЛУБИ"

мамлакатимиз халқини, меҳмонларини ҳамда
барча оммавий ахборот воситалари вакилларини
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
28 ЙИЛЛИГИ БИЛАН
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.
Ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар,
олиб борилаётган кенг қамровлиислоҳотлар жараёнлари
барчамиздан янгича ишлаш, чин дилдан меҳнат қилиш, давр
билан ҳамнафас бўлишни тақозо этмоқда.
Зеро, бугун ҳар биримиз она Ватан мустақиллиги нақадар
улуғ неъмат эканлигини чуқур ҳис қилиб турибмиз.
Истардикки, Истиқлол нашидаси, байрам шукуҳи яхши ниятлар,
эзгуликлар сари ундайверсин.
Хонадонингиздан қут-барака, қалбингиздан қувонч,
ҳаётингиздан шоду ҳуррамлик аримасин!
Халқимиз фаровонлиги, озод диёримиз равнақи йўлида
олиб бораётган самарали фаолиятингизда омадлар тилаймиз!



Реклама ҳуқуқи асосида

XalqBanki

Халқаро рейтинг
агентлиги

FitchRatings

2019 йил 12 августда

Ўзбекистон Республикаси
Акциядорлик тижорат Халқ банкининг

Халқаро кредит рейтингини
**BB-**
**БАРҚАРОР**
даражасида тасдиқлади

Хизматлар лицензияланган.

# САМАРҚАНД ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ АЖ ЖАМОАСИ

*Барча юртдошларимизни
жонажон Ватанимиз
мустақиллигининг
28 йиллиги билан
табриклайди!*

*Ушбу айём ҳар бир хонадонга тинчлик, тотувлик,
файзу барака, тўкин-сочинлик олиб келсин.
Байрам шукуҳи, янги-янги орзу-истаклар сизларни
асло тарк этмасин. Халқимизнинг ризқи зиёда,
толеи баланд, шоду-хуррам кунлари зиёда бўлсин!*



*ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!*

Табрик

AGROBANK

# "АГРОБАНК" АТБ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни
энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз
мустақиллигининг
28 йиллиги билан самимий қутлайди.
Бугунги кунда халқимиз бирдамликда
олиб бораётган она-Ватанимизни
обод ва фаровон этишдек эзгу ҳаракатлари,
орзу-интилишларини рўёбга чиқариш ҳамда
иқтисодиётимизни янада
ривожлантиришдек асрий бунёдкорлиги
давом этаверсин.

Мустақиллигимиз абадий ҳамда,
ушбу айём барчамизга
муборак бўлсин!




www.agrobank.uz
/AgrobankChannel
/agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
Download on the App Store
GET IT ON Google Play
тел.(71) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган

# Туманнинг янги маркази...

**Қулайлик**

Шу кунларда Хива туманининг Шомохулум ҳудудида янги туман маркази бунёд этилаяпти. Президентимизнинг Хива шаҳри ва тумани маъмурий бошқарувини алоҳида ҳокимият органи сифатида шакллантириш, давлат ва бошқарув идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга қулайликлар яратиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини юксалтириш, обод ва кўркам кўчалар, йўллар, иншоотлар, хиёбонлар, ижтимоий инфраструктура объектлари, моддий бойлик масканларини барпо этишга қаратилган ташаббуси мазкур соҳада янги имкониятлар эшигини очди.




Туманнинг янги марказида жиноий ва маъмурий судларига атаб бунёд этилган қўш қаватли иморат ҳудуднинг дастлабки маъмурий объектларидан бири ҳисобланади. "Хива Чинобод бино-сервис" хусусий корхонаси қисқа вақт ичида умумий сатҳи 2,8 минг квадрат метрга тенг майдонда 3 миллиард 830 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширди. Ушбу иморатда одил судловни амалга ошириш учун барча шароитлар яратилган. Яна бир жиҳати, суд жараёнини видео тасвир режимида ташкил этиш имконини берувчи замонавий электрон алоқа тизими ўрнатилган.




Янги бинони тақдим этиш жараёни мамлакат Олий суди томонидан вилоятга ажратилган 9 та янги "Нексия" автомашинасини топшириш маросимига уланиб кетди.

**Абдулла СОБИРОВ.**

**Жаҳонда нима гап?**

## Эҳ, Трампнинг вертолётлари...



**Британия қироличаси Елизавета II Австралия бош вазири Скотт Моррисонга Букингем саройи олдидаги майсазорга АҚШ президенти Дональд Трамп вертолётлари шикаст етказганлигидан шикоят қилди. Бу ҳақда Британиянинг "The Sunday Times" нашри хабар берди.**

Дональд Трамп рафиқаси билан ёзда Буюк Британияга биринчи расмий ташрифини амалга оширганди. Ташриф чоғида АҚШ президенти ва рафиқаси бўлган вертолёт майсазорга 2 марта қўнган. Шунингдек, майсазорга Трампга ҳамроҳлик қилган яна битта вертолёт ҳам қўнганлиги маълум қилинади хабарда.

## Барибир ўзи билан олиб кетолмади



**23 август куни дунёнинг энг бой кишиси Дэвид Кох вафот этди.**

Отаси Фред Кохнинг васияти оилада низо келтириб чиқаргач, узоқ давом этган судлашувлардан сўнг, Чарльз билан Дэвид 1983 йилда ака-укаларининг улушини 1 млрд. долларга сотиб олишганди.

Кохлар оиласи 2019 йилда Bloomberg талқини бўйича жаҳонда энг бой оилалар рўйхатида учинчи ўринни эгаллаган. Koch Industries — АҚШнинг энг йирик иккинчи хусусий компанияси. Чарльз ва Дэвид Кох Forbes миллиардерлар рейтингида 11-ўринда жойлашган бўлиб, Дэвиднинг бойлиги 50,5 млрд, Чарльзнинг бойлиги эса 42,5 млрд доллар деб баҳоланган.

## 7 нафар йўловчи жабрланди




**Hawaiian Airlines авиакомпаниясига тегишли самолётнинг Қўшма Штатлардаги Гонолулу шаҳрига фавқулодда ва кескин қўниши натижасида жабрланган етти нафар йўловчи шифохонага ётқизилган.**

"CNN"нинг маҳаллий ҳукумат маълумотига асосан хабар беришича, самолётнинг борти тутунга тўлиб қолиши фавқулодда қўнишга сабаб бўлган. Жабрланганлар ҳаёти хавф остида эмас. Самолёт бортида эса 184 йўловчи бўлган.

## Вулқоннинг уйғониши маълум қилинди



**Япония бош метерeология бошқармаси Гумма ва Нагано префектуралари чегарасидаги Хонсю оролида Асама вулқонининг янгидан уйғонганини маълум қилди, дейилади NHK маълумотида.**

Вулқон кукунлари 600 метргача баландликка отилган. Ҳудудда иккинчи даражали хавф сақланиб турибди. Бундай хавф даражасида вулқонга икки километр радиусда яқинлашиш тақиқланади. Бу вулқоннинг уйғониши бир ойда иккинчи марта қайд этилмоқда.

## "Бу 21 асрга хос эмас!"



**Бразилия Президенти Жаир Болсонару франциялик ҳамкасби Эммануэль Макронни "Катта еттилик" саммитида Амазонкадаги ёнғинларни ўз сиёсий мақсадлари йўлида муҳокама қилишда айблади.**

Макрон мазкур ёнғин масаласини саммит аъзоларидан муҳокама қилишни сўраганди. "Франция Президентининг бу масалани Бразилия ёки минтақадаги бошқа давлатларнинг иштирокисиз муҳокама қилиши мустамлакачилик туйғусини эслатади ва бу 21 асрга хос эмас", деб ёзди Болсонару Twitterда.

## "Биз мулоқотга ва қарама-қаршиликка тайёрмиз"



**Шимолий Корея Вашингтон учун асосий таҳдид бўлишда давом этади. Корея марказий телеграф агентлиги хабарига қараганда, бу ҳақда Шимолий Корея ташқи ишлар вазири Ри Ён Хо баёнот берган.**

"Биз мулоқотга ва айни бир пайтда қарама-қарши туришга ҳам тайёрмиз", дейилади ТАССнинг мазкур баёнотдан олинган иқтибосида.

**Интернет материаллари асосида
А. СОДИҚОВ тайёрлади.**

Шеърият

# Сизнинг исмингизни айтар турналар...

## Куз

Мендек зерикканга ўхшайди кузак,
Мусича сингари оғир хўрсинар.
Сочлари кўзимга боғланган Наргиз,
Сарғайган боғимиз келиб кўрсинлар.

Хазонлар — ошиқлар қабристонига,
Умидини кўмиб, қайтар турналар.
Самода юрагим суратин чизиб,
Сизнинг исмингизни айтар турналар...

Бизни бу бекатда ҳеч ким танимас,
Ҳаёт — мен кўришни истамаган туш.
Биламан қайдадир турибсиз илҳақ —
Сочингиз елкандек ёйиб фаромуш.

Кимнидир, ненидир кутдим ишониб,
Осмонга термулиб ўтдим теракдай.
Хазон бўлиб ҳамки кетолмаяпман,
Гўёки ҳалиям сизга керакдай...

Япроқдек омонат тебранади дил,
Тамаки тутатар яна ғолиб куз.
Дунёни бир гўзал рангга бўярдим,
Афсус, сиздан олдин куз келди, афсус...

* * *

Қирқинчи довонга термулиб,
Ўйлайман: тўрвада нима бор?
Чопқиллаб чиқишга ғайрат йўқ,
Эмаклаб боришга қўймас ор.

Қисматим — тўрт дона суратдир,
Оқ-қора, оқ-қора, оқ-қора.
Товонда хиргойи қиламан,
Бошимда чаламан ноғора...

Қўқондан то Тошканга қадар
Ушоқдек сочилган умрим бор.
Кўнгилнинг энг чуқур ерида,
Чиройли бир соқов қумри бор...

Одамга ўхшайман баъзида —
Одамга бўламан интизор.
Кўз очсам — дунё бор, кўз юмсам —
Уйқу бермайдиган бир қиз бор...

Тупроқдек самимий ҳабиб йўқ,
Булутдек омонат дўстлар бор.
Тишлагим келади бармоғим —
Кўзлар бор, кўзлар бор, кўзлар бор...

Отам бор, онам бор — бутунман,
Бағримда бир бахтли аёл бор.
Яхшиям, яхшиям, яхшиям —
Хаёл бор, хаёл бор, хаёл бор...

Қирқинчи довонга термулиб,
Айтаман: дунёда нима бор?
Бахтли кимсаларни ёнида
Одамдек яшашга қўймас ор...

## Майлими

Бир мақом истайман, бир мақом—
Одамликнинг чиқди сийқаси.
Шу дардисар ниқобни ечсам,
Ёр висоли бўлур муносиб?!

Бир мақом истайман, бир мақом —
Кўз ёш бўлсам ва ё бўлсам май.
Йиғласам самовий рутбада,
Жилмайсам кўринсам Ерликдай...

Бир мақом истайман, бир мақом —
Қисматимга кулгим келади.
Қачондир қайдадир негадир,
Мен сизга термулгим келади.

Ярашибди сизга бу дунё,
Қутлуғ бўлсин мақомингиз ҳам.
Бир мақом истайман, майлими,
Озгина ўзимга ўхшасам...



**Шуҳрат ОРИФ**

*Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида туғилган.*

*Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг бакалавр (2003) ва магистратура (2007) босқичларини тамомлаган. 2007-2008 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси)да таҳсил олган. 1999 йилдан турли республика давлат ва жамоат ташкилотларида, оммавий ахборот воситаларида фаолият юритиб келади.*

*Айни вақтда акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" бошқаруви раиси маслаҳатчиси вазифасида меҳнат қилади.*

*"Шуҳрат" медали соҳиби. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*



## Манзара

Япроқлар шивирлар — саволлари кўп,
Япроқлар шитирлар — тили кесилган.
Дарахтлар тазарру онини англаб,
Кўйлагини ечиб жойнамоз қилган...

Кимдир келишини кутар ўриндиқ,
Гўё ниманидир келган фурсати.
Тангри бандасини бунча севмаса —
Видо борлигини қўяр кўрсатиб...

Кўкка совурилди яна бир имкон...
Сокин талвасада титрайди олам.
Йиғилар оралаб хиргойи қилиб,
Халлослаб бозорга кетмоқда одам...

## Умид бор...

Лаҳзалар ўмбалоқ ошади,
Тушларим қилади масхара.
Юрагим бормоқда кичрайиб,
Улканлашар минг йиллик яра.

Мен борман, демак, сиз — мавжудсиз,
Кўнглимда тугмадек умид бор.
Кўзлари дунёдек қоп-қора,
Юзлари дунёдек ёруғ ёр!

Томирда сузади хавотир,
Ҳаммадек яшамоқ — маънисиз.
Ўттиз етти кузни кузатдим,
Қанисиз, қанисиз, қанисиз?

Дунёни ҳоритдим титкилаб,
Ҳамма чўнтагида бор изим.
Қўлларим — Хитойнинг девори,
Кўзларим — Ўрта Ер денгизи...

Бормисиз-йўқмисиз билмайман,
Лекин мен, шубҳасиз, бор эдим.
Ғалати эканим — табиий,
Мен асли одаммас, ёр эдим...

* * *

Ичимда адашган бир қайиқ,
Сувсиз соҳилларда қалқийди.
Ичимда қанотсиз бир бургут,
Тирноғига қараб чалғийди...
Ичимда — орзулар бекорчи,
Хаёллар хижолатдан кулар.
Қўлларидан тутиб дунёни,
Варракдек учирар туйғулар.
Ичимда — замонлар ғудранар,
Пирларим калишда турибди.
Ёнига келолмай асрлар,
Иштончан югуриб юрибди...
Ичимда — кўзларим кўринар,
Қўлларим ўкинмас кир чайиб.
Соатни кўрсатиб бошимда,
Қисматим турмайди иршайиб...
Ичимда сиз — жуда бахтлисиз,
Ҳур бўлиб кутарсиз, азизим!
Мен эса... эшикни тополмай,
Деразадан термуламан жим...
Ичимда абадий ҳадик бор —
Тангри қувғин қилган оламман.
Ҳеч кимман ва йўқман дунёда,
Ичимда... Одамман, Одамман!

Мужда




Жорий йилнинг 14-16 сентябрь кунлари Хива шаҳри "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида "Рақс сеҳри" халқаро фестивали ўтказилади.

# Хивада «Рақс сеҳри» халқаро фестивали

Фестиваль ўзига хос миллий рақс санъатини дунёга кенг тарғиб қилиш ва арт-туризмни янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиб келинмоқда.

Бу йилги тадбирда 20 дан ортиқ хорижий давлатдан, шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келган бадиий рақс жамоалари, санъаткорлар, илм-фан вакиллари ва тадқиқотчилар қатнашади.

Фестиваль доирасида, рақслар ва рақс усталари томонидан турли маҳорат дарслари, ижодий учрашувлар, фольклор гуруҳлари ва ансамбллар чиқишлари, анимацион шоулар, саҳналаштирилган томошалар, қўғирчоқ театрлари томошалари, ҳунармандлар кўргазмалари, миллий таомлар ва миллий либослар кўргазмалари, миллий халқ ўйинлари бўйича мусобақалар, тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ҳамда «Ўзбекистон рақс санъати тарихи» фотокўргазмаси ташкил этилиши кўзда тутилган.

**Алишер РАҲМОНОВ.**

Сочмалар

## *Ҳаёт сабоқлари*

*Кибр гўё кишининг умуртқа ва бўйин суякларини темирга айлантириб қўяди. Уни букиш учун одам ҳаётнинг ўт-оловида бир эриб, сўнгра муздай сувида совиб олиши керак.*

***

*Дўстнинг уруғи бемаза бўлса, унинг ҳосили душман деган хавфли мева бўлади.*

***

*Оналарнинг яхшиликлари сочнинг толасидай кўп, аммо буни фарзандлар кўпинча сочи тўкилганда билади, холос.*

***

*Миннат тоши отилса, тегмасдан қолмайди.*

***

*Ҳақиқатни айтиш шунинг учун ҳам қийинки, унинг бир учи айтувчига ҳам тегиб туради.*

***

*Филни яшириш мумкин, аммо феълни яшириш жуда қийин.*

***

*Аёлнинг эркинлиги беҳаёлик кўринишида бўлса, эр — кунлик бўлади.*

***

*Қоғоздаги хатони тузатиш учун қалам қоғоз устида қайта юрса бас, аммо ҳаётдаги хатони тузатиш учун қадам қайта-қайта юргани билан уни қайта тузатишнинг имкони бўлмаслиги мумкин.*

***

*Раҳбарлардан бири табрик хатларини иккига ажратди: учдан бир қисмини костюмининг чап кўкрак чўнтагига солди, булар ўзимга деди. Дўппайиб турган катта қисмини эса стол тортмасига жойлади. Булар менга эмас, сенга келган деди, — столга қараб.*

**Шуҳрат РЎЗИЕВ.**

Мерос

Халқ санъати — катта уммон. Унда биз ўрганмаган, биз билмаган дуру жавоҳирлари беҳисоб. Энг муҳими, кўзимизга суртишга арзийдиган ота мерос жавоҳирларнинг саноғи йўқ. Халқ йўлида яратилган дурдона айтимларни ўрганиш, келажак авлодга етказиш бурчимиз эканини бугун теран англаяпмиз.

# "Дашнобод нақши"

Чиройли сўзлар, теша тегмаган ташбеҳлар, нағмали иборалар билан мақоламизни безаш қийин иш эмас, аммо халқ термалари, қўшиқлари борасида хатога йўл қўймаслик, асл матнни бузмасдан ўқувчига етказиш муҳимроқ, яъни қийинроқ ва масъулиятли масала. Демоқчиманки, "Дашнобод нақши" ҳақида яхши биладиганлар кўп, мабодо бирор ўринда хато бўлса, фикрларини билдирсалар, очиғи, хурсанд бўламиз. "Сариосиё" газетаси таҳририятининг халқимизнинг бой фольклорини йиғиб, ўқувчига етказиш ташаббуси олқишга сазовор ва мен ҳам, қўлдан келганча, бу ишга ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим. Айтиш керакки, "Дашнобод нақши" ўзим гувоҳ бўлган энг қизиқарли халқ ўйинларидан биридир. Бу ўйинни илк баҳор кунларида, дов-дарахтлар қийғос гуллаган пайтларда, қорли Ҳисор тоғларидан ёқимли шабадалар эсган эҳтиросли лаҳзаларда кўп кузатиб, завққа тўлганмиз. Бариси кўз ўнгимда турибди.

Аввало "Нима учун "Дашнобод нақши" ўйини ўйлаб топилган эди, деган саволга жавоб: чунки ҳаётда ҳамма нарса бир сабаб ва туртки, зарурат орқалигина юзага келишини яхши биламиз.

Дашнободлик оқсоқоллардан бири, марҳум Аваз Қаршиев домла билан шу тўғрида суҳбат қилганимда, у киши: "Тўй кунида уйларидан чиқолмаган беморлар, ҳимояга муҳтож кишилар борлиги ҳисобга олиниб, шу ўйин ўйлаб топилган", деган эди. Ва айтиш керакки, чиндан ҳам бу ўйин тўйхонадан бошланиб, бутун гузарни айланиб, аҳоли доимий тўпланадиган жойларда тўхталиб, давом эттирилган ва чиндан ҳам уйидан чиқолмайдиган беморлар, ногиронлар, ёш болали оналар, нуронийлар ва албатта, тўйга айтилмай қолганлар ҳам ўша кунги хурсандчиликдан баҳраманд бўлишган. Қандай ажойиб удум ва анъаналаримиз бор. Буни қарангки, ўша замонларда ҳам ота-боболаримиз ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг манфаатини ҳам назардан қочиришмаган. Ана шунинг ўзи биз учун эзгуликнинг бир кўриниши ва арзирли сабоқ. Биз келажак авлодни, бугунги ёшларни шундай эзгу анъаналар руҳида тарбиялашимиз керак, албатта!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ўйинга алоҳида тайёргарлик кўрилади:

— тўй бошлаётган одам қишлоқ оқсоқоллари ҳузурига бориб, уларнинг дуоси ва рухсатини олади;

— бебошликка сира йўл қўйилмас ва ҳеч кимнинг бу қоидани бузишга ҳаққи йўқ, ҳеч ким буни хаёлига ҳам келтирмас, бу катта орномус, ғурур;

— тўй эгасининг бир неча кун аввал ўз касбининг устасига "НАҚШ" ясашга буюртма бериши табиий ҳол. "НАҚШ" деганлари шундай нарса: даставвал тўртбурчак шаклда, яъни бир сандал катталигида тўрт бурчакли ёғоч ясалиб, уст қисмига елка тутиб туриши ҳамда гул ўрнатиш учун симлар билан тўр ўрнатиларди ва унинг тўрт ёни қизил мато билан ўралиб, икки ёни ва олд томонлари кесиб қўйиларди, яъни уни кийиб олган киши қўлларини икки ёндан чиқариб, кесилган олд томонидан ташқарини кузатиш имкониятига эга бўлади;

— тўйдан бир кун олдин тайёр бўлган "НАҚШ" томга чиқарилиб, олдига катта тошойна ҳам қўйилар, яъни бу хонадонда тўй бўлишидан ва албатта, "Дашнободча нақш" ижро этилишидан дарак бериб туради, ойна эса ёруғлик, тўйнинг яхши ўтишини тилаш, эзгулик белгиси;

— ўйинга, албатта, "чўп от ўйин"чи ҳам таклиф этилади;

— терма айтувчилар ҳам ўйиндан огоҳ бўлишар ва тайёргарликни бошлаб юборишади, чунки бу азалий удум ва анъанага айланиб улгурган;

— албатта, мазкур ўйиннинг карнай-сурнайчи, ноғорачилар — созандаларсиз ўтмаслиги аниқ, тўй эгаси уларни ҳам бир неча кун аввал огоҳлантириб қўяди.

Ўйин қандай ва қай йўсинда бошланади?

Маҳалла оқсоқоли тўй эгаси ва ўйин иштирокчиларига оқ фотиҳа беради, аёллар эса ортдан бир сиқим ун ва бир челак сув сепиб, яхшилик, эзгулик тилаб, уларни кузатиб қўйишади.

Ясан-тусан кийинган эркаклар, йигитлар ва ўсмир болаларнинг қийқириқлари, шўх овозлари, карнай-сурнайларнинг дилтортар оҳанглари, ноғораларнинг гумбурлаган садолари остида йўл бўйи тўхтаб-тўхтаб, ўйин-кулги билан гузардан гузарга ўтишади.

Эсимда бор, Дашнободнинг Марижўй гузарида "нақши" кийган йигит карнай-сурнай, ноғоранинг дилчертар ажиб нола, хонишлари остида жуда берилиб рақсга тушди. Қизил алвонли тўртбурчак "нақш" жуда ғаройиб ва гўзал эдики, тўрт бурчидаги ва ўртасидаги ранг-баранг қоғоз гуллар одамнинг меҳрини тортарди. Бунинг ажиб томони шунда эдики, "нақш" ўйини тамом бўлгач, бу гуллар талош бўлиб кетар, кўз очиб юмгунча сандал ёғочдан бошқа ҳеч нарса қолмасди. Айниқса, ўсмир ва болаларнинг чиройли гулларга эга бўлишларининг ўзи бир бахт, қувонч ва шодлик эди. Ҳавасманд оналар: "нақш" гулидан яхши ният қилиб олгин, болам, тўйларга етиб юргин!" — дея маслаҳат ҳам беришар эди.

12

Табрик

TURON BANK

1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий муборакбод этади!
Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омадлар тилайди. Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари асло тарк этмасин!

Тинчлигимиз барқарор, ҳаётимиз фаровон бўлсин!



www.turonbank.uz
Хизматлар лицензияланган

Ватан манзумаси

Тилак ЖЎРА

## Ўзбекистон

*Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,*
*Ой билан офтобнинг буюк ватани.*
*Тонг каби жилмайиб бахти очилган,*
*Майсага кўмилиб нурли бадани.*
*Осмон посбонидир бунда бургутлар,*
*Чумчуқ чугуридан тешилади том.*
*Бу ўлка кўксида ёнар булутлар,*
*Чинор шохларига қўнганида шом.*
*Не-не дарёлар бор, югуриб-елиб,*
*Уммонда қоларлар бир умр яхлаб.*
*Бу чаман бағрига дарёлар келиб,*
*Заминга сингарлар ғўзадай шохлаб.*
*Кўзёшдек тиниқдир бу элда осмон*
*Шафтоли шохлари қайрилган онда.*
*Нақш олма юзига югурганда қон,*
*Офтоб ҳам осилиб толар армонда.*
*Бу элнинг қадимий ҳар қўшиғида*
*Бежиз олтин дея аталмас тупроқ.*
*Симёғочга қўнган қуш тумшуғида*
*Тилладай нурланиб турибди бошоқ.*
*Чайқалиб ётади нурли бир чаман,*
*Юлдуздай сочилиб оламга шони.*
*Фидойи ўғилман, ёниб ўпаман*
*Олам остонаси — Ўзбекистонни!*



# “Дашнобод нақши”

11

Хуллас, ҳар бир гузар ўртасида ўйин-кулги авж пардаларига чиқар, халқ қўшиқлари янграб, баҳслар анчагача давом этарди, албатта, завқли томошадан гузардаги кишилар баҳраманд бўлиб, қимматли дақиқаларини шодлик билан ўтказишга муяссар бўлардилар.

Ўша лаҳзаларда айтилган термалар жуда завқли, ўзига хос оҳангдор ва қочиримларга бой бўларди, айниқса, “Бас-бас-бас” термалари жуда эҳтиросли, ҳаяжонли ва одамнинг юрагини қитиқлайдиган, халқ фольклорининг ажабтовур намуналари эди.

Байтларни гузар марказида тўхтаган гуруҳ, яъни “Нақши” ўйинида қатнашаётган эркаклар икки томонда қатор тизилиб айтишарди ва шуниси қизиқки, бу баҳсли айтишувнинг авж пардалари, жўшқин оҳанглари ва ҳатто ўз ечим нуқтаси ҳам бор эди.

Айтишув қуйидагича бошланарди:

Биринчи гуруҳ:

*Узун сойга ўй отдим,*
*Чакмонимни йўқотдим.*
*Ётиб қолган ёримни*
*Кишмиш бериб уйғотдим,*
*Бас-бас-бас!*

Иккинчи гуруҳ:

*Ҳовлингизда тутингиз,*
*Хурмачада сутингиз,*
*Борай десам қўймайди*
*Олабўйноқ итингиз,*
*Бас-бас-бас!*

Биринчи гуруҳ (бир қадам олдинга босиб):

*Ариқ лаби музлама,*
*Қўй гўштини тузлама,*
*Ўз ёринг уйда туриб,*
*Бегонани кўзлама,*
*Бас-бас-бас!*

Иккинчи гуруҳ (бир қадам олдинга чиқиб):

*Масчит билан мадраса,*
*Ўртасида йўл бўлса,*
*Подшоҳдан ҳукм бўлса,*
*Ҳар ким севганини олса,*
*Бас-бас-бас!..*

Гуруҳ бирлашиб, ораларидаги ҳурматли кишини қўлларида кўтаришиб, осмонга ирғитишади, яъни олқишлашади. Ва бу ўйин то тўйхонага қайтгунча давом этади. Йўл-йўлакай “От ўйини”, “Қулоқ чўзма” ўйинлари ҳам ўтказилади.

Ҳа, “Дашнобод нақши” ўйини ўзининг ана шу эзгу жиҳатлари билан аҳамиятли бўлиб, уни сақлаб қолиш, келажак авлодга етказиш фарздир.

**Тўлқин ҲАЙИТ.**



HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мактубларингизни кутамиз.

Адади: 4005
Буюртма — V-3722
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — 20:00
Топширилди — 22:00

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.